


8. Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223 б.
9. Исаев Р. СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ВА СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ТИЗИМИНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Иқтисодиёт ва таълим. – 2021. – №. 5. – С. 173-177.
10. Русаков И.А. Управление развитием экспортного потенциала предприятий машиностроительного комплекса: автореф. дис. ... канд. экон. наук. - Саратов, 2012. - 28 с.
11. Яковлев Г.И. Формирование рыночной стратегии предприятия: рыночный аспект. - Саратов: Изд-во СГУ, 2010. - 435 с.
12. Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223 б.
13. Кариева Г. Международный маркетинг компании в развитии экспорта (на примере текстильной промышленности Республики Узбекистан): автореф. дисс. на соиск. учёной степени кан. экон. наук, Т.: 2008. – 24 с.
14. Адылова З. Халқаро бозорларга экспорт маҳсулотларини йўналтиришнинг маркетинг стратегиялари: иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. Т.: 2008. – 156 б.
15. Муминова Н.М. Тўқимачилик маҳсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш: иқт. фан. фал. док. (PhD) илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2017. – 26 б.



**ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ СANOAT ЎСИШИГА ТАЪСИРИНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ**

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss1/a35](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a35)

**Кобилова Насиба Хуррамовна**  
Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос  
Агентлиги Молиявий таҳлил, иқтисод  
ва режалаштириш бошқармаси бошлиғи  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг саноат ўсишига таъсири иқтисодий баҳоланган. Жумладан, ишлаб чиқарадиган саноатда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқариш саноатларининг улуши ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати ўсиш суръати физик ҳажм индекси бўйича таҳлиллари келтирилган. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини янада ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқарадиган саноат, ичимликлар ишлаб чиқариш саноати, самарадорлик, саноат ўсиши.

**ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ПРОИЗВОДСТВА ПРОДОВОЛЬСТВИЯ НА РОСТ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**Кобилова Насиба Хуррамовна**  
Агентство культурного наследия  
Республики Узбекистан руководитель управления  
Финансовый анализ, экономика и планирования,  
независимый исследователь  
Университет Ташкентское государственное хозяйство

**Аннотация.** В данной статье дается экономическая оценка влияния производства продуктов питания на промышленный рост. В частности, дан анализ доли отраслей по производству продуктов питания и напитков в обрабатывающей промышленности и темпов роста пищевой промышленности по индексу физического объема. Также разработаны научные предложения по дальнейшему развитию пищевой промышленности, диверсификации производства продукции и увеличению объемов экспорта.

**Калит сўзлар:** промышленность, продукты питания, обрабатывающая промышленность, промышленность напитков, эффективность, промышленный рост.

## ECONOMIC ASSESSMENT OF THE IMPACT OF FOOD PRODUCTION ON INDUSTRY GROWTH

**Kobilova Nasiba Khurramovna**

*Agency of cultural heritage of the  
Republic of Uzbekistan Financial analysis, economics  
and head of the planning department,  
Tashkent state economy independent student of the university*

**Annotation.** This article provides an economic assessment of the impact of food production on industrial growth. In particular, the analysis of the share of food and beverage production industries in the manufacturing industry and the growth rate of the food production industry by the physical volume index is given. Also, scientific proposals for further development of the food production industry, diversification of product production and increase in export volume have been developed.

**Key words:** industry, food products, manufacturing industry, beverage industry, efficiency, industrial growth.

**Кириш.** Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, аҳолининг турмуш тарзи ҳамда жаҳонда тутган ўрни кўп жиҳатдан саноатга боғлиқ. Чунки саноатда нафақат юқори қийматли маҳсулотлар (хом ашёлар) ишлаб чиқарилади, балки юқори маошли кўплаб иш ўринлари яратилади, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун техника-технология ва агригаторлар айнан саноат корхоналарида ишлаб чиқарилади. Шу боисдан, давлатлар саноат тармоқларини жадал ва интензив ривожлантиришга интилишади.

Бундан ташқари, тобора кучайиб бораётган озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда ҳам саноат муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши саноат ўсишига таъсир кўрсатади. Хусусан, дастлабки маълумотларга кўра, мамлакатимизда жорий йилнинг январь-октябрь ойлари давомида қарийб 519,1 трлн. сўм ҳажмда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, шундан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми 52,3 трлн. сўмни ташкил этиб, жами саноат маҳсулотларида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 10,1 фоизни ташкил этишини кўрсатди [15].

Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон қарори [1]нинг ижросини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларни янада қўллаб-қувватлаш

мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 январдаги 37-сонли қарори [2] қабул қилинди. Унга кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида янги ташкил этилаётган истиқболли лойиҳаларни техник-иқтисодий асосланишини тайёрлаш ҳамда янги лойиҳаларнинг инфратузилмасини яратиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва чуқур қайта ишлаш соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини янада ривожлантириш соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади. Бу эса мазкур тадқиқот мавзуси долзарб муаммолардан бири эканлигини кўрсатади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини янада ривожлантириш ҳамда шу орқали умумий саноатнинг ривожланиши ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришиш борасида кўплаб олимлар тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Жумладан, хорижий олимлардан: эркин рақобатни шакллантириш асосида маҳаллий озиқ-овқат ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича Л.Н.Шапкина [3], Н.Х. Садекова [4], озиқ-овқат саноатининг барқарор ривожланиши учун рақобат салоҳияти ошириш масалалари бўйича А.А. Ульянов [5] ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари бўйича О.Н. Бекетова [6]лар илмий тадқиқот олиб боришган. Жумладан, Н.Х. Садекова фикрича, «аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш бўйича ишлаб чиқариш саноатига алоҳида эътибор қаратиш лозим», А.А. Ульянов фикрича эса «озиқ-овқат саноатининг ривожланиш даражаси ҳақли равишда аҳоли турмуш

даражасини ва иқтисодий ривожланиш самардорлигини тавсифловчи ижтимоий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади”, О.Н.Бекетованинг фикрича, “сўнгги ўн йилликда жаҳон озиқ-овқат бозоридаги барқарор тенденция экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқишнинг юқори динамикаси кузатилганлигини озиқ-овқат саноати корхоналарининг муваффақиятли стратегияларнинг натижаси сифатида эътироф этиш мумкин”.

Озиқ-овқат саноати ривожлантириш асосида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш борасида V.Glinskiy, L.Serga, M.Alekseev, N.Samotoy ва E.Simonovalar [7] илмий излашни олиб борган бўлса, M.D. Earle ва R.L. Earle [8]лар озиқ-овқат саноати тадқиқотлари ва ишланмалари билан шуғулланишган. Шунингдек, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг янги стратегиялари бўйича C.N.Aguilar ва бошқалар[9] тадқиқот олиб боришган. Хусусан, V.Glinskiy ва бошқалар фикрича, “Озиқ-овқат саноати – озиқ-овқат хавфсизлигининг асосидир. Озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш давлат бошқарувининг стратегик муҳим вазифасидир. Зеро, глобал инқироз, жаҳон иқтисодиётидаги нотинчлик, беқарор сиёсий вазият шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мамлакат барқарор ривожланиши ва унинг хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шартидир”, M.D. Earleлар фикрларича, “Озиқ-овқат саноати ҳар доим ҳар қандай мамлакат саноат базаси ва экспорт салоҳиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Сўнгги пайтларда озиқ-овқат билан боғлиқ хавотирлар тобора кенгайиб бормоқда, бу очлик, ифлосланиш муаммолари ва замонавий озиқ-овқат технологиясининг мураккаблиги каби муаммолар туфайли фаоллашмоқда”.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноатини ривожланиш бўйича Н.Олимова, А.Йўлчиевлар[10] тадқиқ қилган бўлса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга таъсир қилувчи омилларни З.Х.Мадаминов, Л.Ш. Абдукаҳхоров ва Н.У. Алижонова [11]лар илмий жиҳатдан ўрганишган. Жумладан, Н.Олимова ва А.Йўлчиевларнинг фикрича, “Озиқ-овқат саноати корхоналарининг ҳолати тўғрисида ишлаб чиқаришдан тортиб то истеъмол қилишгача бўлган жараёнларни мантиқий кетма-кетликда ўрганиш орқали республикамизда озиқ-овқат саноати корхоналарини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади”.

Бундан ташқари, озиқ-овқат саноати

тармоғининг ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилиш бўйича Х.Н. Сабиоров[12], мамлакатимизда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш бўйича И.Ю.Умаров[13], шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятларини О.Мамадиёровлар [14] илмий тадқиқ қилишган. Шу жумладан, Х.Н.Сабиоровнинг фикрича, “...таҳлилларга кўра, озиқ-овқат саноатидаги ишчилар сони ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ишлаб чиқариш ҳажмига ижобий таъсир қилмоқда. Демакда, яқин келажакда янги корхоналар ташкил қилиб ишчи ўринлари яратиш орқали ва инвеститдиялар ҳажмини ошириш орқали ушбу саноатда яратилаётган маҳсулот ҳажмини ошириш потенциали мавжуд”.

Юқоридаги тадқиқотларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича масалалар илмий ўрганилган бўлсада, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг саноат ўсишига таъсирини иқтисодий баҳолаш масалалари етарлича ўрганилмаган. Шу боисдан ушбу мавзу тадқиқот учун танлаб олинди.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур тадқиқотни амалга оширишда расмий статистик маълумотлар, статистик кузатиш, таққослама таҳлил, синтез, мантиқий фикрлаш статистик жадвал ва график, солиштирма таҳлил, гуруҳлаш, статистик таҳлиллардан кенг фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий статистик маълумотлари олинган.

**Таҳлил ва натижалар.** 2022 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 888341,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2021 йилда 738425,2 млрд. сўмни ташкил этган. Шунда ЯИМнинг 2022 йилдаги (2021 йилга нисбатан) 105,7 фоиз ўсиш суръатига эга бўлган. Шунингдек, ЯИМнинг 93,2 фоизи тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматлари ҳиссасига тўғри келган. Яъни, ЯИМ тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 828054,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, шундан 208452,9 млрд. сўм қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ҳиссасига, 276227,0 млрд. сўм саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи ҳиссасига ва 343374,3 млрд. сўм хизматлар соҳаси ҳиссасига тўғри келган (1-жадвал).

Бошқача айтганда, ЯИМнинг тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматлари 93,2 фоизи-

ни ташкил этган бўлиб, шундан қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ҳиссаси 25,1 фоизни, саноат (қурилишни қўшган ҳол-

да) тармоғининг ҳиссаси 33,4 фоизни ҳамда хизматлар соҳасининг ҳиссаси 41,5 фоизни ташкил этган.

**1-жадвал**

**2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича ялпи ички маҳсулот ва унинг таркиби [16]**


	Ҳажми, млрд. сўм		Ўсиш суръатлари, % да	
	2021	2022	2021	2022
<b>I. ЯИМ, жами</b>	738 425,2	888 341,7	107,4	105,7
<i>шу жумладан:</i>				
тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	686 432,4	828 054,2	107,6	106,2
маҳсулотларга соф солиқлар	51 992,8	60 287,5	104,6	99,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	686 432,4	828 054,2	107,6	106,2
<b>қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги</b>	181 787,7	208 452,9	104,0	103,6
<b>саноат (қурилишни қўшган ҳолда)</b>	232 535,6	276 227,0	108,4	105,5
қурилиш	45 557,4	55 522,7	106,8	106,6
<b>Хизматлар</b>	272 109,1	343 374,3	109,5	108,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	46 750,0	57 801,7	113,6	109,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	47 934,3	57 776,5	117,8	114,7
бошқа хизмат тармоқлари	177 424,8	227 796,1	106,3	106,6

Таҳлилларга кўра, 2022 йилда мамлакатимиз 553265,0 млрд. сўм саноат (қурилишни қўшган ҳолда) маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Мазкур кўрсаткич 456056,1 млрд. сўмни ташкил этган. Шунингдек, 2022 йилда тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида 52093,5 млрд. сўм, ишлаб чиқарадиган саноатда 460491,8 млрд. сўм, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш саноатида 37653,7 млрд. сўм ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатида 3026,1 млрд. сўм маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилган.

Шу даврда ишлаб чиқарадиган саноатда энг юқори улуш металлургия саноати (23,3 %) ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати (13,6 %) ҳиссаларига тўғри кел-

ган бўлса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг ҳиссаси 12,5 фоиз ва ичимликлар ишлаб чиқариш саноатининг ҳиссаси 3,5 фоизга тўғри келган (1-расм).

Аммо, 2010-2022 йиллар мобайнида ишлаб чиқарадиган саноатда ўртача ҳисобда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг улуши 17,9 фоизни ҳамда ичимликлар ишлаб чиқариш саноатининг улуши эса 3,1 фоизни ташкил этиб, ишлаб чиқарадиган саноатнинг шаклланишида етакчилик қилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, ишлаб чиқарадиган саноатда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг улуши 2010 йилда 19,2 %, 2016 йилда 24,5 % ва 2021 йилда 12,9 %ни ташкил этган.




**1-расм. Саноат маҳсулотлари таркиби ва озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши**

*Манба:* ЎзР Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бундан кўринадики, 2010-2022 йиллар мобайнида ишлаб чиқарадиган саноатда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ичимликлар ишлаб чиқариш саноатлари улуши пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини

кўриш мумкин. Хусусан, шу даврдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг ўртача улуши даражаси 5-6 фоизга пасайган (2-расм).



1-расм. Ишлаб чиқарадиган саноатда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқариш саноатлари улуши динамикаси, %

**Манба:** ЎзР Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2022 йилда иқтисодий фаолият тури бўйича саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси (ўсиши) 105,3 фоизни ташкил этган бўлса, ишлаб чиқарадиган саноатнинг физик ҳажм индекси 105,4 фоизни, жумладан озиқ-овқат

маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг физик ҳажм индекси 106,0 фоизни ва ичимликлар ишлаб чиқариш саноатининг физик ҳажм индекси 115,7 фоизни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Саноат маҳсулотларининг физик ҳажм индекси[16], %

Кўрсаткичлар	2010	2012	2014	2016	2018	2020	2022
Саноат маҳсулоти ҳажми	105,9	105,7	104,5	105,4	110,8	100,9	105,3
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	94,8	108,8	93,2	100,8	126,5	78,0	101,9
Ишлаб чиқарадиган саноат	108,9	106,3	108,0	106,7	107,9	107,9	105,4
<i>Шу жумладан:</i>							
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	110,1	106,9	110,7	109,8	98,5	108,6	106,0
Ичимликлар ишлаб чиқариш	115,2	105,5	98,8	101,9	111,0	105,7	115,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	118,5	96,3	104,1	103,6	103,1	106,8	113,5
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	118,6	105,6	112,0	110,0	111,3	99,1	94,7

**Манба:** ЎзР Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2010-2022 йиллар мобайнида саноат маҳсулотларининг ўртача ўсиш суръати (физик ҳажм индекси) 105,7 фоизни ташкил этган. Худди шундай ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотларининг ўртача ўсиш суръати 7,4 фоизни, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг ўртача ўсиш суръати 107,2 фоизни ҳамда ичимликлар ишлаб чиқариш саноатининг ўртача ўсиш суръати эса 108,7 фоизни ташкил этиб, буни умумий қилиб айтганда жами саноат ва ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотларининг ўртача ўсиш суръати (физик ҳажм индекси)ги нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқариш саноатининг ўртача ўсиш суръати юқорироқ эканлиги кузатилган.

**Хулоса ва таклифлар.** Мазкур тадқиқотдан келиб чиқиб айтиш керакки, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш асосида умумсаноат ўсишини ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришиш мумкин. Шу боис, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини янада ривожлантириш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида фаолият юритаётган саноат корхоналарини бирлаштириш асосида саноат кластерларини ташкил этиш орқали тармоқ корхоналари самарадорлигини снаргетик самара асосида ошириш;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати корхоналарини ташкил этишда хомашё базаси, қулай инфратузилма хусусан,

логистика ва энергия таъминотларини ҳисобга олган ҳолда оптимал жойлаштириш асосида ноишлаб чиқариш харажатларини камайштиришга эришиш;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноат корхоналари фаолиятини омиллар унумдорлигининг камайиш қонуни бўйича таҳлиллар олиб бориш ва уни баргараф этиш орқали самарадорликни максималлаштириш;

- фақат ички бозор талаби билан эмас, балки, ташқи бозорлар яъни, экспортни ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини диверсификациялаш асосида кўлам самарасини кенгайтириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, умумсаноат ўсишига энг юқори таъсир кўрсатаётган саноат тармоғи бу – озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатидир. Шу боисдан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини янада ривожлантириш борасида истиқболли стратегияларни ишлаб чиқишда тармоқ корхоналарини оптимал жойлаштириш, молиявий қўллаб-қувватлаш, имтиёз ва преференциялар беришни кучайтириш, замонавий технологиялар билан модернизациялашда транспорт ва ташкилий харажатларни субсидиялаш амалиётини кўпайтириш, саноат корхоналари фаолиятига алоқадор инфратузилмани яхшилаш лозим. Натижада мамлакатда саноатни жадал ривожлантириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини оширишга эришиш мумкин.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4821-сон қарори. <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 январдаги “Республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 37-сонли қарори. <https://lex.uz>
3. Шапкина Л.Н. Качество производства продуктов питания // Журнал “Вестник университета”. – 2012. 78-84 с.
4. Садекова Н.Х. Развитие пищевой промышленности России в условиях импортозамещения // Продовольственная политика и безопасность. - 2016. Т. 3. - № 2. - с. 77-90.
5. Ульянов А.А. Конкурентный потенциал устойчивого развития пищевой промышленности. Канд.экон.наук. дисс. СГСЭУ. – 2008.
6. Бекетова О.Н. Современные тенденции развития пищевой промышленности РФ: национальный и региональный аспекты // Региональная экономика и управление: электронный научный журнал. ISSN 1999-2645. - №4 (48). 2016. 45-56 с.
7. V.Glinskiy, L.Serga, M.Alekseev, N.Samotoy ва E.Simonova. The Development of the Food Industry as a Condition for Improving Russia’s National Security // Procedia Manufacturing. Volume 21, 2018, Pages 838-845
8. Earle, M.D., Earle, R.L. (1997). Food Industry Research and Development. In: Wallace, L.T., Schroder,

W.R. (eds) *Government and the Food Industry: Economic and Political Effects of Conflict and Co-Operation*. Springer, Boston, MA. [https://doi.org/10.1007/978-1-4615-6221-4\\_8](https://doi.org/10.1007/978-1-4615-6221-4_8)

9. Aguilar C.N. and other. *Emerging strategies for the development of food industries // Bioengineered. Volume 10, 2019 - Issue 1: pp. 522–537.*

10. Olimova N.Kh., Yulchiev A.O. *Prospects For The Food Industry Development Of Uzbekistan // Журнал "Ceteris Paribus". 2021. Pp. 8-11.*

11. З.Х. Мадаминов, Л.Ш. Абдукаххоров ва Н.У. Алижонов. *Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга таъсир қилувчи омиллар // Журнал "Academic research in educational sciences", Volume 3, Issue 5, 2022. 88-93 б.*

12. Сабиров Х.Н. *Озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш ҳажмини моделлаштириш // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil. 125-132 б.*

13. Умаров И.Ю. *Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳияти // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 й. 1-8 б.*

14. Мамадиёров О. *Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари // International Journal of Finance and Digitalization. Vol. 2 Issue 01, 2023. 1-11 б.*

15. <https://stat.uz>

16. *"Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати". ЎзР Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги. – Т.: 2022-йил январь-декабрь. 9 б.*